"Ishonch" gazetasining 2022 yil 17-sonida "Farzandlarimiz o‘z bag‘rimizda ulg‘aysin!" nomli maqola чоп этилди. https://ishonch.uz/archives/6517

Дунёнинг ишлари қизиқдир бирам,
Кеча йиғлаганлар бугун қулардир.
Пайингга ўт қалаб турган кимсалар,
Бугун мулозамат қилиб турарлар.

Қизиқ одамлар бор турфа оламда,
Кўнглида нима бор уни билмайсан.
Сен билан туришар улар бир сафда,
Илондир ё чаён, буни сезмайсан.

Ҳасад жон жонига сиғиб бўлгандек,
Яхшини кўролмас асло кўзлари,
Ютгуни уларга чўп қилгандек,
Самимий бўлолмас асло сўзлари.

Қизиқ одамлар бор ёруғ дунёда,
Икки хил сайрайди улар тиллари,
Сенга бир сўзини айтиб бўлмасдан,
Бошқача сўзлайди қора кўзлари.

Дунёнинг ишлари қизиқ-да, болам,
Кимга ишонишни билмайсан одам,
Сен билан ош, нон ғами билан
Эрта не қилишин билмайсан одам.

Яхши ҳам, ёмон ҳам қайтар дунё бу,
Ҳасад ҳам, ҳавас ҳам қайтар дунё бу,
Ўзлигин унутган кимсалар учун
Эслатиб қўйишга устоз дунё бу..

Марҳабо МАҲМУДОВА

Бухоро вилояти

Сиз нима дейсиз?

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ўз бағримизда улғайсин!

Ўғилнинг армони

Ўн бир ёшимда отам вафот этди. Икки йилдан сўнг биз – уч ўғил, бир қизни боқишга қийналган онам оламни тўрмушга узатди-ю, акам билан хорижга ишлагани кетди. Укам иккимиз шу қишлоқда яшовчи тоғамнинг қарамоғида қолдик. Онам дурустгина маблағ юбориб турганига қарамай, тоғам мени доим қурилиш ишларига жалб этиб, ҳолдан тойгунимча ишлатарди. Энг алам қиладиги, мен тенги ўғлининг кўлини совуқ сувга кам урарирмасди.

Тўрт йил шу зайлда ўтди. Нихоят, балоғат ёшига тўлгач, ўзимизнинг уйда яшаш учун онамдан рухсат олдим. Иккимиз кунда-кунора кўнғироқлашиб, узоқ суҳбатлашсак-да, қариндошларимиз тез-тез қол-ажволимдан хабар олиб туришса-да, мен қар кун қар лаҳза она меҳрига зор бўлиб кун кечирдим...

Ҳозир 23 ёшдаман. Онам билан акам ўн йилдирки, ҳамон хорижда. Боз устига, уларни ҳам ғеларига чақириб олишган. Мен эса давлат ташкилотида ишлаяпман. Ўша қишлоқда танол ўзим яшаяпман. Ҳудога шукур, кун қачон ёмон йўлларга кирмадим, бирон-парнинг қақига ичёнг қилмадим. Лекин шунча йиллар давомида онамдан айро яшаганим, унинг меҳрига тўймаганим алам қилади менга. Шундаким, онамсиз ўтган ўсмлрим ва ёшлик давр-ларимни эслагим келмайди.

Онанинг афсуси

Эримнинг вафотидан сўнг мода-дий жиҳатдан анча қийналиб қолдим. Вояга етган қизимни узатиш учун қат-тагина қарз кўтардим. Олдинда эса уч ўғлимни вояга етказиш, уйлантириш, уйли-жойли қилиш масаласи кўнда-ланг турарди. Шу боис ишлаб, кўпроқ пул топиш илинжида хорижга кетдим. Бундан ўзга чорам йўқ эди.

Афсуски, икки дилбандимни ожизга қолдириб кетганимдан ўзим қаттиқ изтиробга чекканман, уларни кўп согинганман. Шунинг учун де-ярли ҳар куни телефон қилиб, узоқ гаплашганман. Ўғлим бир куни ме-нинг аҳволимни ҳам тушуниб етар ва мени кечирар, деган умиддаман...

Маълумот

Бухоро вилоятида рўйхатда турган 19 минг нафардан ижтимоий ёрдам кунда узоқ муддатга хорижга ёки юр-тимизнинг бошқа шаҳарларига чиқиб кетган. Аксарияти ишлаб пул топиш учун шундай йўл тутган.

Мулоҳаза

Тўғри, бир қарашда, бунинг ёмон томони йўқ. Чунки ҳеч қаерда даромад оғтирлиги имконий мавжуд жойга бо-риб ишлаш ёки ўша ерга кўчиб ўтиш глобал дунё талабига айланди. Бироқ хориждаги ота-сингилларимизнинг аксарияти оилаги ва фарзандлари эканини ҳисобга олсак, уларнинг тақдирини учдан бир қисмининг, яъни 6 мингдан зиёдроги-нинг фарзандлари мамлакатимизда қолган. Ғазимиз йўқолишимизнинг со-бабли масъул ташкилотлар томо-нидан ониқ ҳисоб-китоби юритил-магани боис бу рақамлар тез-тез ўзгариб турар экан).

Хўш, ана шу қораюзлар қимлар-нинг қўлида қолган ва нималар билан машғул? Улар қандай таълим-тарбия олишяпти?

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси масъул ходими Мирталиб Шамсиевнинг тақдим-ланишича, бугунги кунда хорижга кетган 400 дан ортиқ аила бошлиқлари болаларини васийлик томойилига би-ноан жиҳи қариндошларига беришган. Қолганлари эса, расман бўлмаса-да, фарзандлари тарбия-си билан шуғулланишни ота-оналари ва ака-сингилларига ишониб топшириб кетишган. Лекин бу ўғил-қизларни бе-бо-бушиги, аммо-хола-си, амаки-тоғаси ҳар қанча ғамхўр-лик қилишгани би-лан қақиқий ота-она меҳрини бера олмас-ликлари аниқ.

Мутахассислар нима дейди?

– Ўз волидаси ғамхўрлигини ва меҳр-шафқатини ҳар қадамда ҳис қиладиган бола онасидан айро яша-йтган тенгдошларига нисбатан анча соғлом, ақлли ва тарбияли бўлиб улғаяди, – дейди Бухоро давлат уни-верситети психология факультети доценти Шуҳрат Остонов. – Қариндош-уруғи қарамоғида қолган бола эса психосоциал ва ижтимоий муаммолар-га дуч келади. Жумладан, таълим олиши, саломатлиги ва ижтимоий ҳо-лати салбий томонга ўзгаради. Онаси ёнида эмаслиги унинг овқатланиши ва ўқишига ҳам салбий таъсир кўр-сатади. Тадқиқотларга кўра, бундай болаларнинг 33 фоизи ёлғиз қолади ўзини бахтсиз ҳис этади, 21 фоизи ка-воятирда яшайди. Айниқса, ота-она-сини соғинган пайтлари қайғар, кай-фиятсиз ва ёлғончи бўлиб қолади. Уларнинг 17 фоизи газабини ака-ука-лари ва ота-сингилларидан олади, 18 фоизи эса катталарга қўпол муноса-батда бўлиб бошлайди.

– Ўқувчиларим орасида эр-хо-тинидан бири ёки иккаласи ҳам хо-ржага ишлаш учун кетган бир нечта оила фарзандлари кам бўлган, – де-йди Ғиждувон туманидаги 18-мак-таб ўқитувчиси, синф раҳбари Ви-лоят Абдуллаева. – Уларнинг кўпчи-лиги бошланғич синф ёшида тушкун кайфиятда бўлади, фанларни ўз-лаштиришда, фикрларини жамлашда қийналади. 5-6-синфга ўтгач, ташқи муҳитга мослаша бошлагани ту-файли ота-онага мухтожлиги сал су-саяди, кўпроқ эркинликка интилади. 7-8-синфда ота-она меҳри билан бир қаторда, уларнинг иқтисодий қўмғи ҳам зарурлигини англаб етади. 9-10 синфларда эса ота-она ҳомий деган ҳулосага келади. Ҳар гул топиш мақ-садида узоқларга кетганини тушуни-ган, қамма нарса моддиятга боғлиқ экан деган фикр миясига қаттиқ ўрна-лашиб қолади. Инсоний туйғулар бу ма-тох олдида қийматсиз эканини англа-тач, гулга ўч, ҳудбин шахс сифатида шаклланади. Оқибатда жиноят кўча-сига кириб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Ечим нимада?

Ҳеч қимга сир эмас, бу муаммо-нинг очимаи энг жиддий муаммолар-дан бири – ишсизликка бориб тақа-лади. Шу боис Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қай-гуриши жараёнида фарзандларини она-лар бағрига, оғиларни болалар ёнига қайтаришни, аҳолини сердаромад ишлар билан қамраб олишни асосий мақсада айлантирганига шак-шубҳа йўқ. Аёллар бандлигини таъминлаш борасидаги асосий ислоҳотлар нега-зида нафақат маҳалладаги, балки хо-ржидаги ота-сингилларимизни ҳам юрта қайтариш мақсади мужассам. Бирок, ушбу масалада фақат давлат рақбарининг жон куйдириши, турли қонун ва қарорлар қабул қилишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун маҳаллалимиз аҳлининг бир ҳалқ, бир куч бўлиб, ана ўша сабр-қаракатлар атрофида бирлашса, ишлаш сўрқаётган ташаббусларни амалда қўллаб-қув-ватласа, ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Истагимиз, фарзандларимиз ўз бағримизда камол топсинлар!

Дилдора ИБРОҲИМОВА,
«ISHONCH»

МУАССИС:
O'zbekiston kitobxonlar uyushmalari Federatsiyasi

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳририят ҳайъатига раҳбар)
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Рившан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сукроб РАФИҚОВ,
Шокосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚЎЛМУРОДОВ
(Ички муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Мехриддин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»)
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари қайти – [71] 256-64-69
Ҳуқуқ ва қатиқро қаёт – [71] 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – [71] 256-82-79
Хатлар ва мурожаатлар билан ишлаш – [71] 256-85-43
Маркетинг ва реклама – [71] 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, кабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998 99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998 99) 889-90-27
Жиззах вилояти – (+998 99) 889-90-54
Наманган вилояти – (+998 99) 889-90-62
Навоий вилояти – (+998 99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998 93) 570-77-26
Самарқанд вилояти – (+998 99) 889-90-33
Сурхондарё вилояти – (+998 91) 889-90-61
Сирдарё вилояти – (+998 99) 889-90-52
Фарғона вилояти – (+998 90) 889-90-39
Хоразм вилояти – (+998 99) 889-90-51
Қашқадарё вилояти – (+998 99) 889-90-29

«Ishonch»дан олинган маълумотларда жавоб сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Мухлисларнинг фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Ҳайдаров

Мусаҳҳиҳа:
Д. Ҳудойбергенова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдумаликов

Босишга топширилган вақти – 22:25
Топшириқни – 22:35

Газета офсет усулида. А-2 форматда босилди. Қоғоз 2 босма табоқ. Буюртма 7-306
34378 нусхада босилди
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Бахоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1981@yandex.uz

Газета офсет усулида, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Эпарх» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Бухоро Туркистон, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0084 3052 3001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133884,
ОКЭД: 58130

Тадқиқот

Ҳуснингиз орттмоқда борган сари

Олимлар инсоният тараққиёти давомида аёллар тобора гўзаллашиб бораётгани сабабини аниқлашди

Хельсинки университети олимлари олиб борган илмий тадқиқотлар натижасига кўра, инсоният тараққиёти давомида аёллар тобора гўзаллашиб бормоқда. Яъни, энг замонавий пардоз воситалари туфайлигина эмас, балки табиий гўзаллик ҳам ошиб боряпти. Эркаклар қиёфасида эса деярли ўзгариш йўқ.

Бу гаплар одатдаги хушхмад эмас, балки 1244 нафар аёл ва 997 нафар эркаклар устида олиб борилган илмий изланишлар натижасидир. «Аёллар тобора гўзаллашиб, жозибадор бўлиб бормоқда. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ», дейди илмий турух раҳбари профессор Маркус Йокела.

Гўзал аёллар кўпроқ фарзанд кўрмайди. Бу борада улар «ўртача» кўрсаткич соҳибала-ридан 16 фоиз олдинда. Қизиғи шундаки, гў-зал аёлларда кўпроқ киз фарзандлар туғилади. Бу эса, мутахассислар фикрича, келгусида чи-ройли аёллар сонини янада оширади. Фин олимлари мазкур хулосага келишда эътибор-лик Канадзава Ситошининг илмий изланиш-ларига ҳам мурожаат қилишди. Сатоши, чи-роийли ота-оналардан кўпроқ киз фарзандлар туғилади, деган илмий хулосага келганди. Унинг фикрича, бундай тарзнқнёт тарзи инсоният учун ирсий, яъни у ДНК тизимида «макрус да-ступланган». Демак, жисмоний жозибадорлик нисдан-наслга ўтади.

Олимларнинг фикрича, гўзал аёллара мафтун бўлувчилар «ўртачалар»ларга қара-ганда анча кўп бўлади ва бу табиий ҳол. Нати-жада номзодларни танлаб-танлаб турмуш қу-риш ва келгусида тўкис ҳаёт кечириш имконя-яти – чиройли киларда юқорирок бўлади.

Хўш, доно табиат нега эркаклар қиёфаси ҳақида қайғурмаган?

Бу саволга олимлар, гўзал аёллар учун умр йўлдошн танлашда эркакларнинг истаклари бў-лиши асосий омил эмас, деган жавоб беришган.

Умр йўлдошини танлаш масаласида аёл учун энг муҳими – топиш-тутиши яхши, уйим-жойим, болам-чақам дейдиган мард, кўли очиқ, аёлининг айтганини муҳайё қи-лувчи, кўйми-кобиз, уй юмушларида ёрдам берувчи ва ҳоказолар. Натижада эркакнинг ташқи қиёфасидаги нуқсони ана шундай фази-латлар орқасидан билинмайди. Илмий тилда айтганда, «компенсация қилинади».

Тадқиқотларга кўра, унча-бунча аёлнинг ўз ҳуснидан кўнгли тўлмас, фақат 4 фоиз аёл-ларгина ўзларини «чиройли» деб ҳисоблашар экан. «Аёлар кун борасида ўз-ўзларига ишод-дий танқидчи, – дейди мутахассислар. – Аммо, улар кўпинча ўзлари ўйлаганларидан ҳам гў-залроқ эканликларини билишмайди...»

Аслида ҳам шундайми ёки йўқ? Бунга аник-лик киритиш учун галати бир тажриба ўтка-зилган.

Юз, бадан ва соч учун пардоз воситалари ишлаб чиқарувчи «Unilever» компаниясининг Dove савдо белгиси («Дав» – ўзбекча кабутар) аёл гўзалликини баҳолаш ҳақида фильм су-ратга олди. Фильм ижодий кўра, рассом Пол За-мора етти аёлнинг суратини ўзига қараб эмас, балки уларнинг ўзларига берган таърифлари асосида чизди. Кейин, яна ўша аёлларни, бу гал бошқаларнинг оғзаки таърифлари асосида чизди. Натижада ҳар бир аёлнинг иккитадан сурати пайдо бўлди. Улар таққослаб кўрил-ганда, ўз-ўзларига берилган таърифлар асо-сида чизилган расмлар – анча ҳунук, бегона-лар таърифи асосидаги расмларда эса – гўзал аёллар акс этган эди.

Ўзини чиройли, деб ҳисобловчи аёллар, бошқаларга нисбатан ўзларини бахтиёрок ҳис этишаркан.

Аслида аёлларнинг ҳаммаси – гўзал. Фақат-гина «Лайли гўзалликни кўрмок учун унга Мажнун кўзи ила боқиш» керак...

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
мухбиратист

Митти ҳикоялар

Жей Рип

Тақдир

Улар қурьа ташлашди. «Агар танганинг рақамли томони тушса, тўрмуш қурамиз, рамзли томони тушса, бир умрга ажрашамиз», дейишди.

Танга ташланди.

Улар танганинг рақамли томонига тиккилиб қолишди.

Сўнг иккаласим пичирлаб дедн: «Балки яна бир марта ташлаб кўрамиз?»

Эндшю Э.Хант

Шукрона

Якшанба кайрия жамғармасидан берилган адёл уни иссиқ тутарди. Бугун чиқинди қутиси ичидан пойабзал топиб олди, оёғига лоп-лойиқ.

Совуқ, тун бўлса-да, кўчадаги чи-роқлар унинг қалбини ёритиб турарди.

Хиёбондаги ўриндиққа қулай жой-лашиб олгани унга хузур бағишларди.

«Худога шукур, – деди у, – ҳеч нақадар гўзал!».

Баронбн Конрадшеи

Учлик

Аёл машинасини ўқдек учириб, касалхо-нага шошилди.

Жонлантириш хонасидан чиқиб келган шифокорнинг юзига қараб, ҳаммасини тушунди.

Аёл ўкириб йиғлаб юборди.

– Аллертон хоним, – деди шифокор, – кафа бўлманг. У сизни жудаям севар-кан. Жон берагтиб «Сени севаман, Мэри» деди.

Аёл шифокорга қаради ва дарҳол юзини бурди.

– Раҳмат, – деди совуқ оҳангда Жулия.

Русчадан Дилшодбек АСҚАРОВ таржимаси.

Маъзуга оид ҳангома:

Йигит қизга деди:
– Бугун жудаям гўзалсиз!
– Ҳамма чиройли қизларга шундай дейсизми?
– Йўқ, чиройли қизларга бошқача эътиромон...